

Шукрулло АБДУЛЛАЕВ

АРХАРЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ
Ҳикоялар

Тошкент – 2011

Табиат ва ҳайвонот олами мавзусида жаҳон адабиётида жуда кўп мумтоз асарлар яратилган. Ушбу тўпламга жамланган ҳикояларда муаллиф турфа жониворларнинг яшаш тарзини ҳаққоний тарзда ифодалайди. Бу билан у ўқувчини она-табиатни севишга, бағридаги бойликларни ардоқлашга ундайди.

АРХАРЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ

Йўлбошчи

Шовуллаб оқаётган сойдан таралаётган садолар гўёки теша билан чопилгандек тарам-тарам тик кўтарилган қояларга урилиб, сойнинг бошқа томонидаги баландлашиб боровчи ям-яшил, ўркак-ўркак қирлар узра тарқаларди. Лекин узоқларда виқор билан бўй чўзган салобатли тоғларнинг найзадек ўткир кумуш чўққиларига етмай, мусаффо тоғ ҳавосига сингиб кетарди. Шундай бўлса-да, бир янграб, сўнгра йўқ бўлиб кетадиган шовқинлардан фарқли ўлароқ, сой оқишдан тўхтамас экан, бу садолар ҳам бетиним янграб тураверади.

Сой бўйидан тикка кўтарилган тарам-тарам қоянинг энг чўққиси бўрининг бурнидек бўртиб чиққан бўлиб, худди шу жойда архар пайдо бўлди. У пастда шовуллаб оқаётган сой бўйига, қаршисидаги яшил чўққиларга диққат билан тикилди. Кўкда чарх ураётган икки нафар бургутга нигоҳ солди. Сўнг қоядан тушиб, ўз тўдасини оралади.

Адирларда шудринг қўнган майсаларни “қирт-қирт” узиб еяётган архарлар тўдаси ўтлаб юрарди. Улар орасида пўлатдек маҳкам, эгик шохларини боши узра қилич каби дадил тутганча салобатли қадам ташлаётган ҳайбатли архар ажралиб турарди. У бир чимдим майса узиб олиб чайнаб бўлгунга қадар безовта ва синчков нигоҳ билан атрофни кузатар, чақноқ, айни чоғда ғамгин, маъноли кўзларини узоқларга – тоғу тошларга тикканча, ҳар бир шовқинга диққат билан кулоқ тутарди.

Архар яна адир четидаги қоя устида пайдо бўлди, ўткир нигоҳи пастдаги кичик ариқчадек кўринган сой қирғоқларига, сўнг қирлар оша элас-элас кўринаётган одамлар яшаётган қишлоқларга қадалди. Бирор хавф-хатар йўқмикан дегандек, пастда тошдан-тошга урилиб шовуллаб оқаётган сой шовқинига кулоқ тутди, устки лаблари хиёл кўтарилган тумшуғини олдинга чўзиб, шамол олиб келаётган исларни фарқлашга уринди. Ҳеч қандай хатар сезмагач, бошини мағрур тутиб, силкиниб юнгларига ёпишган хас-чўпларни қокди. Тепасида чарх ураётган бургутлар доира ясаб тўдадан узоқлашгач, қоядан тушиб, адир четидаги усти яссиланиб қолган тошлардан бирига чўзилди. Шу топда иккита ёш бақувват архар тўда чеккасига ўтиб пойлоқчилик ўрнини эгаллашди. Улар тўдани хавф-хатардан огоҳ этишлари лозим. Зотан, архарларнинг ҳам ўз яшаш қонунлари бор эди...

У қачон ўзида журъат сезиб, йўлбошчи бўлганини эслолмайди. Унинг ўтмиши ҳам, қозирги куни ҳам биргина мезон – ҳаракат қила олиш, ўсиш, улғайиш билангина ўлчанар, фақат ундаги куч-қувват ҳаракат қилишга, нимадандир қочишга, ниманидир еб кун кўришга, авлод қолдиришга ундовчи ягона омил эди.

Хотира

У тоғлар орасида туғилди ва улғайди, кўз очиб кўргани юксак чўққилар ва ҳайбатли қоялар бўлди. Дастлаб онаси бағридан узоқлашолмади. Барча улоқчаларга ўхшаб ўйноқлар, сузишар, яна келиб онаси бағрига тикиларди. Улғайиб бораркан, ҳаётда нимадандир хавфсираш кераклигини, қай ҳолларда эҳтиёткорлик зарурлигини тушуна бошлади. Ҳаётнинг ўзи катта устоз эди.

Бир неча бор ўлим билан тўкнашиб омон қолди. Бу воқеа баҳорнинг илк кунларида рўй берди. У эндигина чопқиллашни машқ қилаётган улоқча эди. Тепасида қандайдир баҳайбат маҳлуқ улкан қанотларини силкиб уча бошлади. Пастлаб учгани учун ўткир тирноқлари-ю бақувват панжаларини аниқ кўрди, унинг қайрилган найзадек ўткир кўзлари ўта кўрқинчли эди. Кутилмаганда бу маҳлуқ унга ўқдек ташланди, лекин шу ондаёқ ёнида онаси пайдо бўлди ва шох ташлаб юқоридан бўлган хужумни қайтарди. Маҳлуқ эса кўкка кўтарилди. У эса яна ўйноқлай бошлади. Маҳлуқ яна ташланди, онаси бу гал ҳам ўткир шохларини рўбарў қилиб, уни яна кўкка кўтарилишга мажбур қилди. Бунга чидолмаган ҳаво қароқчиси адир четидаги ўт чайнаётган каттагина архарга ташланди. Архарни гарданидан кўтариб, сой томон учди-ю ташлаб юборди. Архар тошларга урилиб қимирламай қолди. Шундагина бу баҳайбат куш ўлжаси ёнига қўнди, шошмай қулай жойлашди ва ўткир тумшуғи билан архар гўшtidан узиб-узиб юта бошлади. Шу тариқа улоқча хавф-хатардан эҳтиёт бўлиш кераклигини тушуна бошлади.

Улғаяркан, тенгдошларига қараганда ўта ҳаракатчан бўлиб, доимо тўйиб овқатланар, тошдан-тошга сакрашдан чўчимас, доимо қоялар устида юришни ёқтирарди. Тобора баданида куч-қувват пайдо бўлаётганини ҳам сезарди. Ўша вақтлардаги йўлбошчига ҳавас билан боқар, унинг хатти-ҳаракатларидан ўзига керак хислатларни ўрганарди. Ўзи ҳам бир куни худди шундай йўлбошчи бўлишига ишонарди. Лекин бунинг учун катта тайёргарлик кераклигини ҳам яхши биларди. Кунлар ўтиб, у кутган дамлар яқинлаша бошлади.

Қир-адирдаги ўтлар қовжираб, заъфарон рангга кириб, кунлар совий бошлаган, тоғу тошларни иссиқ ўлкаларга учаётган кушларнинг шовқини тутган эди. Ёз бўйи тўлишиб кучга тўлган такалар совлиқлар диққатини ўзига жалб этишга ҳаракат қилишарди. Бу архарларнинг кўшилиш ойлари бўлиб, ёш архар ҳам ўз куч-қувватини намоиш этишга уринарди.

Худди шу куз кунларининг бирида тўдага бўрилар хужум қилди. Тўда серкаси хавфни сезиб олдинга югурди. Архарлар унинг ортидан жон-жаҳдлари билан бўрилар таъқибидан қоча бошлашди. Лекин серка қанча ҳаракат қилмасин, бу сафар шиддат билан югура олмади, кексалик ўз кучини

кўрсатди. Таъқиб этаётган бўрининг тўдага етиб олишига бир неча кадам қолганди. Бунни сезган йўлбошчи бор кучини тўплаб қочишга ҳаракат қиларди. Аммо уни доимо хатардан қутқарган, ҳамиша шиддат билан ҳаракат қилувчи оёқлари панд берди. Бўрилар етиб олишди, тўда икки архардан ажраб хавфсиз ерларга қочиб ўтди.

Шу кеча серка бошини тиззалари устига қўйганча қир четида кимираммай ўтди. У кўзларини архарлардан яширишга ҳаракат қиларди. Эрта тонгда ҳам уни худди шу ҳолда кўрдилар. Фақат қуёш кумуш чўққилар узра бир терак кўтарилиб, кун исий бошлаганда қаддини кўтариб, тўдани қуздати-ю икки архар йўқлигини сезиб, бир нуқтага тикилганча узоқ туриб қолди.

Худди шу онда ёш архар энди майдонга чиқиш вақти келганини сизди. Ички бир ҳиссиёт уни йўлбошчига қарши олишувга қорлади. Лекин бу жуда оғир масъулиятли қарор эди. Баданидаги куч-қувватни зўр-базўр тизгинлаб турган навқирон архар йўлбошчи қаршисида пайдо бўлиб, унга тикилганча кимираммай, мағрур тураверди. Олишув бўлишини сезган кекса йўлбошловчи даъвогарининг туёқларидан шохигача ўта синчков назар солди – қаршисида мағрур, қарашлари ўткир архар турарди. Йўлбошчи қаддини тик тутиб рақибига салобатли гавдасини намоиш этди. Унинг кўзлари ғамгин, лекин бу кўзларда таслим бўлиш ифодаси йўқ эди.

Рақиблар бир неча дақиқалик сукутдан сўнг шиддат билан олдинга ташланишди. Пўлатдек мустаҳкам шохлар тўқнашиб, қарсиллаган овоз тоғ сукутини бузиб юборди. Дўлана наваларидаги чумчуқлар “тур” этиб кўкка кўтарилди. Уларнинг оёқлари устидаги замин ҳам титраб кетгандек бўлди. Бу тўқнашув иккала архарни икки томонга сапчитиб юборди, бироқ иккови ҳам йиқилмади. Тўдадаги барча архарлар нигоҳи уларга қадалди.

Мустаҳкам шохлар яна шиддат билан бир-бирига урилди. Кенгликлар узра қарсиллаган овоз узоқ-узоқларга парвоз қилди. Фақатгина учинчи бор шохлар тўқнашганда кекса архар гандираклаб кетди, унинг оёқларида дармон қолмади, аммо тезда ўзини ўнглаб олди. Улар навбатдаги тўқнашувга ҳозирланишди, бу тўқнашув кураш тақдирини ҳал этиши мумкин эди. бу галги зарбадан кейин кекса архар чўккалаб қолди. Бу унинг енгилгани эди. Шу кундан бошлаб навқирон, кучга тўлган архар тўданинг серкасига, йўлбошчисига айланди.

Худди шунда у ўзига ҳавас билан тикилган архарлар нигоҳини пайқаб, ўзини янада мағрурроқ тутишга интилди. Янги йўлбошчига ҳавас билан қарашарди, у ҳасад билан тикилган нигоҳларни ҳам пайқарди.

Эндиликда серкага айланган янги йўлбошчида тўда тақдирини учун жавобгарлик масъулияти пайдо бўлди. Гўё кўзлари янада ўткир, оёқлари бақувват, кулоқлари сезгир бўлгандек туюлди. У виқор билан тўдани айланиб чиқди.

Бўрилар ҳужуми

Йўлбошчи қаддини ростлаб, шошмай қадам ташлаганча адирнинг чўққиларига туташ қисмидаги булоқ ёнига келди. Ўйноқлаб турган

какликларга, қоялар орасидан сизиб чиқаётган шаффоф сувга тикилди, булоқдан тўйиб-тўйиб симирди ва яна ўз жойига, адир четига қайтди. Шу пайт қандайдир хавфни сезгандек, хавотир билан тумшуғини юқори кўтариб хавони искади, элас-элас келаётган товушларни илғашга уриниб, атрофни синчковлик билан кузатди. Адир четидаги харсанг орқасида нимадир кўринди. Бу – бўри эди.

Шунда қаттиқ қичқирди, бор кучи билан сапчиб, бўйи баробар юқорига кўтарилди. Барча архарлар нигоҳи унга қадалди. Сўнг шиддат билан олдинга ташланди. Бу хавф-хатарни билдирувчи ишора эди. Тўда шовқин кўтариб унинг орқасидан сойлик томонга югура бошлади.

Шиддат билан чопаётган архарларни бир бўри таъқиб қилар, тўданинг сўл томонида яна бир йиртқич югуриб борарди. Тўдани ўз ортидан эргаштирган серка қаршисидаги ҳаво денгизидек оғирлашиб борса-да, уни кўкраги билан кесиб, янада тезроқ қадам ташларди. Бакувват оёқлари уни янада олға элтар, югуриб эмас, балки олитган ўқдек учаётганга ўхшарди.

Яшаш учун кетаётган бу курашда ортда қолган архар ҳалок бўлади. Оч бўрининг кун кўриши эса бир бўлак гўшт – мана шу югураётган архарлардан бирининг қайноқ, ҳали совиб улгурмаган танаси кифоя эди.

Ўқдек учиб бораётган йўлбошчи ортига қарашга ботинолмас, бир неча қадам орқада дупурлаб югураётган ҳамроҳлари нафасини сезар, шиддат билан олға интилиб, уларни янада тезроқ олдинга силжишга чорларди.

Тўда сойнинг чапга бурилган жойига етиб келганда, йўлбошчи тизза бўйи келадиган, аммо ҳайқириб оқаётган сойни кечиб ўтиб, тоғ чўққилари томон кўтарила бошлади. Агарда у сой бўйлаб чапга югурса, бўрилар уларнинг йўлини кесиб чиқиши аниқ эди.

Тўда энди баланд қирликлар сари қочиб борарди. Архарлар юқори кўтарилганда, йўлбошчи орқага ўгирилди. Қувиб келаётган бўрилардан иккитаси яқинлашиб қолган, энг ортдаги архар жон-жаҳди билан юқорига кўтарилишга уринар, лекин ҳолдан тойганлиги сабабли тез юра олмасди. Яқинлашиб қолган бўри унга ташланди, гарданига урилган кучли зарбадан архар ёнбошига йиқилди. Етиб келган иккинчи бўри архар туришига улгурмасданоқ, унинг бўғзига ёпишди. Бир неча қадам нарида чўлоқланган яна бир архар шох ташлаб бошқа бир бўрининг ҳамласини қайтарарди...

Архарлар тўдаси қори эримайдиган чўққиларда тўхтади. Бу ерларда уларга ҳеч ким хавф солмасди.

Масъулият

Йўлбошчи оппоқ қорларни босиб, ўзи мўлжаллаган энг юқори чўққи сари қадам қўя бошлади. Гарчи узоқдан жуда тик, кўтарилиш кийиндек кўринса ҳам, яқинлашган сари чўққига чиқиш йўллари кўриनावеради. Серка сакраб-сакраб ўзи кўзлаган энг баланд чўққига кўтарилиб, атрофга тикилди.

Унинг теварагида паға-паға оқиш булутлар кезиб юрар, оппоқ чўққилар узоқ-узоқларга чўзилган, гўёки бутун борлиқ мана шу кумуш чўққилардангина иборатдек туюлади. Лекин у синчиклаб қараб пастда, қуёш

нурларида товланаётган мовий кўлни кўрди. Кўл ортида арчалар бўлиб, узоқ-узоқлардан яшил адирлар кўзга ташланади. Йўлбошчи яна бир бор катта мамнуният ва виқор туйғуси билан юксак чўққидан олис-олисларга тикилди. Бир оздан сўнг у яна пастга тушади ва тўдани узоқлардаги адирлар сари бошлайди.

У доимо ўз тўдаси билан яшади, ҳамроҳларини янги ўтлоқларга олиб ўтди, хавф-хатарда олдинда олға югуриб, архарларни хавфсиз жойларга олиб кетди. У ҳамиша ўз тўдаси билан бирга, ўз тўдаси учун масъул, жавобгар, ҳеч қачон ўз тўдасига хоинлик қилмади. Умуман архарлар бир-бирларига хоинлик қилишмас, уларда бундай тушунча йўқ эди. Йўлбошчи ҳам архарларсиз қандай кун кечиришини тасаввур ҳам қилолмасди.

Тўда арчазорни айланиб ўтиб, узоқ юриб, майсалар тизза бўйи барқ уриб ётган адирда тўхтади. Архарлар майса ейишга тутинишди, серка ҳам ўзини хотиржам сизди. Шунда ҳам ён-атрофни синчковлик билан кузатди, бу янги жойда бўрилар қаердан ҳужум қилиши, тўда қаерга қочишини чамалади. Лекин нимагадир ўзини чарчаган ҳис этди – у илк бор бундай ҳолга тушиши эди.

Архарларнинг кўзларидек катта-катта юлдузлар чарақлаганда, тўда адирда кавш қайтариб дам оларди. Яна бир кун ўтди. Лекин серка кун ўтишини қуёш чиққандан ботгунча эмас, балки кун чиқишидан эртанги тонггача бўлган вақт билан ўлчар эди. Зотан, сокин тун қоронғуси ҳам ҳордиқ ўрнига ташвиш келтириши мумкин.

Ўшанда ҳам худди ҳозиргидек тун эди. Архарлар тўдаси ойнанинг кумушдек шуъласига чўмган адирда ўтлашарди. Кеча ойдин, атроф сокин, енгил шаббода эсиб турарди. Адирнинг кун тифидан қизиб, ҳали совимаган кум аралаш тупроғига чўзилган йўлбошчи устига қўнган пашша-чивинларни думи билан кўриб, атрофни кузатар, дам олаётган ёш архарларга меҳр билан термуларди.

Фавқулодда катта харсанг орти чақмоқ чаққандек ёришиб кетди. Бирок бу шуъла тезда ўчди. Сўнгра гумбурлаган овоз янгради-ю шу онда энди мудраётган архарлардан бири сапчиб кетди, чап биқинини илон ёки қора курт чаққандек чир айлана бошлади. Шу ондаёқ яна бир гумбурлаган овоз эшитилди, яна бир архар типирчилаб қолди. Йўлбошчи сапчиб оёққа туриб, тўдани хавфсиз жойларга олиб кетди...

Тўдадаги архарлардан бир нечтаси бўри чангалида қолар ёки касалланар, баъзи кексалари чўққилардан жарликларга сирғалиб кетар, лекин бу йўқотишларга қарамай, архарлар сони кўпайиб борарди.

Қорлар эриб, ям-яшил майсаларнинг хушбўй ҳиди адирлар узра таралганда архарлар болаларди. Йўлбошчи уларни янада юқорироққа – бўрилар ҳам, одамлар ҳам тополмайдиган, ҳеч бир жонзотнинг қадами етмаган жойларга олиб кетарди. Шунда ям-яшил гиёҳларнинг иси анқиб турган хавони эндигина туғилган улоқчаларнинг майин, ёқимли маъраши тутарди. Улар бир неча кун ўтмасданоқ чопқиллаб шаталоқ отишар, бир-бирлари билан сузишар ва оналари бағрига тикилишарди. Йўлбошчи эса

биллурдек товланаётган чўққиларни, ям-яшил адирларни, табиат олов ранг толалардан усталик ва меҳр билан гул солган сайҳонликларни ўзгача завқ билан кузатарди. У, айниқса, баҳорни яхши кўрарди.

Қиш эса доимо қишлигини қиларди. Қор остидан кузак ўтларни топиб ейишарди. Қиш одатдагидан ҳам қаттиқ келган йилларда музлаб ўлган архарлар бўларди. Аммо ҳар қандай қишдан ҳамма бир амаллаб чиқиб олишарди.

Ён-атроф кўриниб тургувчи қирнинг чеккасига чўзилган йўлбошчи бу тун ухлай олмади, ўзини ҳорғин ҳис этар, бир хатарни сезгандек безовта эди.

Гарчи тун бўйи тўдага яқин жойда увиллаб чиқишган бўлса ҳам, бу кеча бўрилар хужум қилишмади. Эрта тонгда тўда янги кўчиб ўтилган қирликда ўтлаб юрарди. Ёш архарлар бир-бирлари билан сузишар, сакраб-сакраб турли томонларга югуришар ва яна ўт ейишга тутинишарди. Ҳаёт гўё ўз оқимида осуда давом этарди.

Йўлбошчи одати бўйича тўдани кўздан кечириб, қир четида тўхтади. Пастликда сой оқарди. Серка ундан сакраб қирнинг нариги томонига ўта оладими, йўқми чамалади. Масофа узоқ эди. Лекин зарурат туғилса сакрайди. Чунки керак бўлган пайт худди шундай сойлик узра қояга сакраган.

Ўшанда ҳам архарлар чўққилар остидаги қирларда ўтлаб юришарди. Лекин негадир йўлбошчи безовта бўла бошлади. Бошқа архарлар ҳам хавфни сезгандек безовталанишар, лекин бу қандай хатар эканлигини билишмасди. Кутилмаганда гумбурлаган овоз янграб, тоғу тош қаттиқ силкинди, чўққилардан улар томонга тошу тупроқ сурилиб кела бошлади. Йўлбошчи тезда қарор қабул қилиши керак эди. Шундай қилди ҳам: бир оз орқага тисарилиб, сойнинг нариги томонидаги харсанг тошни мўлжаллаб сакради. Гўё қуш парвоз қилгандек тош устига тушди-ю яна бир сакраб қирликка чиқиб олди. Бошқалар ҳам унинг ортидан сакради. Тўғри, бир неча архарлар маррага етолмай сойга қулади, баъзилари эса сакрашга юраги дов бермай, кўчки остида қолди. Лекин архарлар тўдаси сақлаб қолинди.

Қир четидаги йўлбошчи қулоғига шовқин-сурон чалинди. Кутилмаганда тўда шовқин солиб яна-да юқорига, қорли чўққилар томон югура бошлади. Тўда қочаётган бу хавфни йўлбошчи ўз вақтида сеза билмаганди. У ҳам югурди. Аммо қанчалик шиддат билан чопмасин, тўда ўртасида борар, энг олдинга ўтиб олишга мадори етмасди. Йўқ, у фақат олдинда югуришга ўрганган, тўданинг ўртасида ҳам, охирида ҳам боролмайди. Йўлбошчи қадамларини тезлатишга ҳаракат қилса-да, бунга эришолмас, оёқларини аввалги қувват тарк этганди. Эндиликда тўда олдида югура олмаслигини унинг ўзи ҳам тан ола бошлади. Уч архардан ажралган тўда қори ёзда ҳам эримайдиган чўққилар остида тўхтади. Шунда у бақувват оёқлари чарчаганини, ўткир кўзлари хиралашиб, сезгилари ҳам илк бор панд берганини англади.

Бўриларнинг навбатдаги хужумида ҳам у тўда олдида югура олмади. Шундан кейингина унинг ҳаётида ўзгаришлар содир бўлди.

Янги йўлбошчи

Йўлбошчи қаршисида жуссаси уникидан кичикроқ, лекин шохлари бақувват, кўзлари тийрак архар пайдо бўлиб, унга тикилганча қимирламай тураверди. Йўлбошчи олдинга кадам босди, лекин рақиби жойидан силжимади, унга тикилганча тураверарди. Бу олишувга чорлаш бўлиб, йўлбошчининг жангни қабул қилишдан ўзга чораси йўқ эди.

Улар орқага тисарилиб, олдинга ташланишди. Мустаҳкам шохлар қарсиллаб тўкнашди. Бу зарбадан йўлбошчининг оёқларигача зирқираб кетди, аммо йиқилмади. Ёш архар дадил турарди. Узоқ вақтгача олис-олисларда ҳам қарсиллаган овоз эшитиб турди. Улар чуқур-чуқур нафас олиб олдинга ташланишди, икки кудратли куч яна тўкнашди. Яна мағрур чўққилар ўзга қарсиллаган овоз қанот ёзди. Йўлбошчининг кўз олди қоронғулашиб, танасидаги куч-қувват қарсиллаган садога айланиб, қир-адирлар ўзга тарқалиб кетгандек бўлди. Йўқ, у йиқилмади, фақатгина чўккалаб қолди...

У ўзига келганда адир четида бир ўзи ётарди. Архарлар ҳеч нима бўлмагандек, шошмай ям-яшил ўтларни узиб-узиб чайнашар, вақти-вақти билан атрофни кузатиб кўйишарди. Янги йўлбошчи эса қаддини мағрур тутганча, зийраклик билан атрофни кузатарди.

Тўда четидаги кўзлари ғамгин бу архарга ҳамроҳлари эътибор бермас, архарларнинг нигоҳи янги йўлбошчида, улар собиқ йўлбошчиларини жуда тез унутишганди.

Гўё собиқ йўлбошчининг жуссаси кичиклашиб, заминга сингиб кетаётгандек туюлар, иложи бўлса, мана шу тоғу тошларга шарпадек сингиб, беиз йўқ бўлиб кетишни истарди. У қаддини ростлашга, тўдадошлари кўзига боқишга журъат тополмасди. На чора, осмон – йироқ, ер – қаттиқ.

Унинг оёқлари зирқираб оғриб, бадани титраётган, кўзлари намли бўлса-да, архарларни даҳшатга солувчи ис уни ўзига келтирди. Собиқ йўлбошчи қаддини ростлаб, диққат билан атрофни кузатди. Шунда у ён томондан тўдага яқинлашиб келаётган бўрини кўрди. У одати бўйича хавфдан огоҳ этиб қичқирди, тўдани хавфсиз жойга олиб кетмоқчи бўлди, бироқ овози чиқмади, кадам босмоқчи бўлди, ҳолсизланган оёқлари қимирламади, йўқ, у ўзини бундай тутолмайди. У хавфдан огоҳ этиб чинқирди. Хавфни сезган тўда дўпирлаб қоча бошлади. У ҳам югурди. Яқиндагина олдинда шиддат билан югурган йўлбошчи тўданинг ортидан борар, қанчалик интилмасин, тезроқ ҳаракат қилишга мадори етмасди.

Собиқ йўлбошчи архарлар тўдасининг ҳаракати секинлашиб бораётганини сизди. Ўнг томон жарлик, сўл томон тик кўтарилган қоялар бўлиб, бу ердан бир нечтагина архар ўтиши мумкин эди. Саросимага тушган архарлардан бири сирғалиб, жарга қулаганини кўрди. Тўдани таъқиб этаётган бўри ҳам собиқ йўлбошчига етай деб қолганди. Архарни ваҳима босди. Уни таъқиб этаётган ва етиб олишига бир неча кадам қолган ўлим билан тўкнашиш даҳшат эди. У кутилмаганда кадамларини секинлаштириб, кескин орқага ўгирилди, изма-из келаётган бўрига шох ташлади. Буни кутмаган бўри архарга чап бериб ўзини базўр тўхтатди. Қиличдек шохлари қаршисида

ириллаётган бўри архарга ташланолмасди. Улар бир зум бир-бирларига тикилиб қолишди. Бўри айёрона тебраниб, архарга ташланишга кулай фурсат кутарди. Аммо архар чалғимай, унга юзма-юз турар, бир оз чалғидими душманининг совуқ тишлари бўғзига ботишини яхши биларди.

Бўри совуқ тишларини иржайтириб, гавда оғирлигини гоҳ ўнг, гоҳ сўл оёғига солиб тебранаркан, архарнинг ён томонига ўтишга уриниб кўрди. Лекин қаерга ўтмасин, архар унга тик боққанча чалғимасди. Бўри ҳам чекинмай, ўлжасининг бир фурсатга бўлса-да, чалғишини кутарди.

Сўнгги олишув

Улар бир-бирларига тикилганча юзма-юз туришар, асаблар синови давом этарди. Борди-ю, архар бир оз диққатини бўшаштирса, ўлими муқаррар эди. Шу сабабли, толиқиб кетаётган бўлса ҳам яшашга бўлган табиий интилиш ўзини-ўзи ҳимоя қилишга чорларди.

Архар қаршисида ўта ҳайбатли кекса бўри турарди. Унинг оёқлари бақувват, боши катта, кўзлари ғамгин, айна чоғда, очлик билан термулар, гардани шилинган, танасида ҳам жароҳат излари бор эди. Кекса бўри кўйларга ҳужум қилганда итлар ёки бирор бўри билан олишган эди. Кейинги тахмин тўғрироқ бўлиб, у ҳам ёш бўри билан олишиб енгилган собиқ арлон эди.

Икки собиқ йўлбошчи бир-бирларига тикилишганча, қимирламай туришар, бир қарашда нафас ростлаётганга ўхшашарди. Лекин улар аслида ўз иродаларини синаб, чекиниш ниятлари йўқ эканини намоёни қилишарди.

Юзма-юз туришаркан, кекса архар безовталаниб, бошини ён томонга хиёл бурди. Кекса бўри учун мана шу дақиқа зарур эди. У бор кучи билан ўзини архар устига отди. Лекин кутилмаганда архар бақувват шохлари билан душманини уриб юборди. Бўри бир неча қадам нарига тушди. Аммо у ўзини ҳимоя қилишни биларди.

Бўри ҳолсизлангандек кўриниб, ҳаракатсиз ғингшиб ётарди. У архарнинг қочишини кутар, архар ўгирилди дегунча, унга ҳамла қилишга тайёр эди. Лекин архар ҳам бу вазиятда узоқ турмай, ўгирилиб югура бошлади. Шунда у сонига ўткир ниманидир ботганини сезиб, бўрини силтаб юборди. Кекса бўри яна бир неча қадам нарига бориб тушди. Бу сафар оғрикнинг зўридан инграб юборди, кейин чўзиб-чўзиб мунгли увиллади. Бу овоз архарнинг баданини титратиб юборди. Бунга жавобан яна бир бўрининг увиллаши эшитилди. Шундагина архар барчаси тамом бўлганини сизди.

Олишув қанча давом этишини билиш қийин эди. Кекса архар сезгандек, яна бир бўри пайдо бўлди ва барча воқеалар тезликда юз берди. Архар гарданига урилган кучли зарбдан йиқилди. Шу ондаёқ гардани зирқираб оғриётганини сизди – бўри унинг танасидан бир бўлак гўшт узиб олишга улгурган эди. Архар тезда оёққа турди, аммо бу сафар кекса бўри унинг ўнг сонидан тишлади. Архар юлқиниб уни улоқтириб юборди. Икки қадам олға босиб, гавдасини тик тутганча, имкон борица душманларга чап беришга

ҳаракат қилар, аммо бўрилар иккита бўлиб, қай бирининг аввал ташлаши аниқ эмасди.

Йиртқичлар унинг икки томонига ўта бошлади, ўнг томонидаги бўри бир кадам олға босиб, гавда оғирлигини олдинги оёқларига солди. Орқа оёқлари билан депсиниб, архарга ташланди. Архар ҳамладан қутулиш учун ўзини сўл томонга ташлади, бироқ гавдаси бир зум ҳавода муаллақ қолди. Сўнг эса танаси ўткир тошларга тилиниб, пастга сирғалиб бораётганини сизди. Тошлар ўткир наштардек баданини титиб бораркан, гардани нимагадир урилди. Танаси сирғалиб, айланиб, ниҳоят харсангтошлар орасида тўхтади. Кўз олди қоронғулашиб кетди. Чуқур-чуқур нафас олиб, қувватини йиғди, қаддини ростламоқчи бўлди, аммо олдинги оёқларига тиралганча ҳаракатсиз қолди.

Шунда у ботаётган қуёш нурларида товланаётган чўққилар сут каби оппоқ экани, хушбўй ўтлар қорамтир яшил рангдалиги, хиралашётган осмон зангори, узоқ-узоқларда ботаётган қуёш унинг танасидан оқаётган қон каби қизил, тоғлар салобатли, мана шу мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш ҳаёт деб аталмиш имконият эканлигини ҳис этди. Яна у бир нарсани жуда яхши англади – бу вақтда архарлар ҳавфсиз жойларда ҳордик чиқаришмоқда, уларга ҳеч нима ҳавф солаётгани йўқ.

Кекса архарнинг аянчли қисматиға нигоҳ ташлашни истамаган қуёш бир неча дақиқадаёқ юксак чўққилар ортига беркинди. Атрофни дилни ваҳимага солувчи зулмат қоплади. Архарнинг димоғига доимо таъқиб этиб, уни ваҳимага солувчи ис урилди. Шу ондаёқ атрофни увиллаган овоз тутди. Бу овоз тепасидан баланд чўққилар босиб келаётган ва ой нурида элас-элас кўринаётган чорасиз архар ёнидан шарпа каби ўтиб, тун қоронғусига сингиб йўқолди. Архар ҳаёти давомида ўлим нафасини олиб келган бундай даҳшатли овозни ҳеч қачон эшитмаганди.

Кўп ўтмай унинг ёнида чакнаб турган бир жуфт кўз пайдо бўлди. Бу порлоқ шуъла унга яқинлашди ва архар наштардек бир ниманинг биқинига ботганини сизди. Унинг вужудини совуқ титроқ қоплади, очлик ва ваҳшат учқунлари аксланган, доим қаҳр билан боқувчи яна бир жуфт кўз яқинлашиб кела бошлади. Кекса архарнинг қаршилиқ кўрсатишга мажоли қолмаганди...

МОВИЙ КЎЛ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Кўл туби тиниқ ва сокин эди. Балиқча сув ўтлари орасидан ўтиб, кўл ўртасига сузиб кетди. У аввалига эҳтиётсизлик билан, сўнгра сузгичларини, думини жадал ликиллашиб, тезроқ ҳаракат қила бошлади ва бир зумда кўл ўртасига етди. Сўнгра сув юзига чиқди. Майин шамол эсиб, кўл сатҳи мавжланди. Балиқча мана шу жимир-жимир тўлқинчалар узра узоқ сузди.

Кўп ўтмай уфқда қуёшнинг олов гардиши кўринди-ю, тўлқинлар бир зумда ёқут рангга бўялди. Балиқча ёқут ва мовий товланаётган тўлқинчаларни ёриб, олға интиларди.

У кўл ўртасидан егулик тополмаганидан сўнг яна қирғоққа, қамишлар яқинига сузиб келди. Бу ерда унга ўхшаш балиқчалар оғизларини дам-бадам очиб, ҳаво пуркагичларини чиқариб, овқат изларди.

Балиқча ивиб, сув остига чўкаётган нон бўлагини топиб ютди. Ҳарқалай, қирғоқ яқинидан егулик топиш мумкин эди. У сузиб бораркан, гўшт ҳидини сезди. Ўлжа унинг шундоққина яқинида – ўлган чувалчанг экан. Балиқча ўша томонга сузди. Бир оз хидланган чувалчанг қошига келиб, милклари билан бир неча бўлакка бўлиб-бўлиб юта бошлади. У бугун кам бўлса-да, гўшт еяётганидан қониқарди. Бир оздан сўнг чувалчанг ўрнида қаттиқ сим қолди, холос.

Кўп ўтмай “шўлп” этиб, унинг ёнгинасида яна бир ўлжа пайдо бўлди. Балиқча чувалчангни “тишлаб” тортди. Охирги тортишда қандайдир ўткир тиг танглайига ботганини сезиб, ўзини орқага олди. Лекин тиг унинг танглайига янада чуқурроқ ботиб борарди. Шу топда уни бас келиб бўлмайдиган бир куч юқорига торта бошлади. У бир зумда кўлдан анча баланд кўтарилди. Бироқ айти дамда балиқча қаттиқ оғриқдан бошқасини ҳис қилмасди...

Тер ҳиди келиб турган тукдор кўллар танглайдан тигни суғурганда балиқчанинг бадани оғриқдан зиркираб кетди. Бу кўллар унинг сув ўтказувчи жағлари орасидан ингичка, лекин пишиқ ип ўтказиб, яна кўлга ташлаб қўйди. Ипнинг учига катта ёғоч боғланган бўлиб, юлқиниб чиқишнинг иложи йўқ. Ипда яна катта балиқ ҳам бор эди. Балиқча аввал ипдан қутулиш учун анча талпиниб кўрди, бироқ бефойдалигини билиб бошқа уринмай қўйди.

Кўп ўтмай ипга яна иккита балиқ тизилди. Уларнинг бири тахминан балиқча баробар, биттаси эса кичкинагина эди. Балиқларни узоқ вақт ҳеч ким безовта қилмади. Ўзларича типирчилашиб, сувни шалоплатиб ётаверишди.

Бир вақт ўша кўл уларни юқорига тортди. Ҳолсизланиб қолган балиқлар типирчилаб, ўзларини ҳар ёнга ташлашмади. Одам уларни темир ва резина ҳиди келиб турган қоронғу жойга ташлади. Балиқларга энди ҳеч нарса, ҳатто кўм-кўк осмон ҳам кўринмас эди. Улар чайқала бошлашди.

Балиқча кўлнинг салқин ҳавосидан узоқлашиб бораётганини ҳис қиларди. Нафас олиш тобора оғирлаша бошлади. Бунинг устига дим, темир-терсаклар сочилиб ётган жойда кўнгилни айнитувчи ёқимсиз ҳид ҳам бор эди. Бу уни тобора бўғарди. Кўп ўтмай балиқчанинг устидаги қора “осмон” очилиб, кўзларига қуёш ҳарорати урилди. Уларни шу ҳолича яна қайгадир олиб кетишди.

Кўп ўтмай балиқча нам ҳаводан нафас ола бошлади. У жуда аниқ сезди: яқин жойда сув бор.

Ипга тизилган балиқлар кўлдан-кўлга ўта бошлади. Қай бири балиқчанинг оғзини очиб кўрар, қай бир кўл эса сузгичларини тортқиларди. У турли башаралар, катта-катта, бир оз қизарган кўзлар, оқ ва сарғиш ялтироқ тишларни жуда яқиндан кўрарди. Бу оғизлардан чиқаётган кўланса ҳидлар унинг даммини қайтарарди. Ўша қизғиш кўз, сарғиш тишли одам балиқларни сўри четига ташлаб қўйди-ю, уларни унутгандек, қайта эътибор

ҳам бермади. Сўри тепасига келиб қолган қуёш эса янада қаттиқроқ қиздирарди.

Балиқча қуёш тиғида қанча ётганини билмайди, фақат алламаҳалда бир кўл уни кўтарганини сизди. Сувга “шилп” этиб тушгандагина танасига ёқимли салқинлик югурди.

У бир неча бор дум сузгичларини силкиб сув юзига чиқиб олди. Шунда ўзи билан бирга олиб келинган балиқлар ҳам сувда қалқиб турганини кўрди.

Балиқча ташланган ҳовуз унча катта эмас эди. Ҳовуз атрофида жуда кўп сўрилар бўлиб, уларни тўлдириб ўтирган одамлар иштаҳа билан ҳиди ўткир овқатлар тановул қилишарди.

Балиқчи бир оз сузиши биланок ҳовуз суви жуда қўланса эканини сизди. Бундан ташқари, сувнинг аччиқ таъми ҳам уни безовта қиларди. Лекин буларга кўникишдан бошқа иложи йўқ эди. Акс ҳолда ҳалок бўлади. Шундоққина сув юзида турли егуликлар сузиб юрарди: пишган гўшт парчалари, нон бўлаклари...

Балиқчанинг иштаҳаси бўғилганди. У қарахтлик билан ҳовузда узоқ сузиб юрди.

Балиқларнинг энг каттаси бошқалардан дадилроқ ҳаракат қиларди. Балиқча эса зўр-базўр нафас олар, сузиб кетишга мажоли йўқ эди. У кичкина балиқча ёнига сузиб бориб, уни туртиб ҳам кўрди. Лекин митти балиқча қимирламади, у жонсиз эди.

Бир оз сузгандан кейин ҳовуз четида унга бақрайиб турган бақа кўзларини кўрди. У ҳаракатсиз эди. Балиқча бундай бақага кўлда ҳам дуч келган, у ҳам худди шундай ҳаракатсиз, жонсиздек кўринарди. Шунда бақалар ҳамма жойда ҳам бир хил эканлигини англаб етди.

Балиқча бир пас сузиб, кейин ҳовуз остига шўнғиб кўздан йўқолди. Сув юзига чиққанда, бир-бирларига кўл узатиб тарқалишаётган одамлар ва ҳовуз атрофини супураётган қизчани кўрди. Шу пайт қиз ҳам сув юзидаги балиқчани кўриб қолди ва қувонганича сочиқ билан кўлини артаётган оппоқ соқолли чол ёнига борди. Балиқчани кўрсатиб, шодланиб сўзлади. Чол ҳам унга нималарнидир тушунтирди. Шунда қизча ҳовузга бир ҳовуч егулик ташлади. Балиқча сув устида хали чўкишга улгурмаган гўшт, нон бўлақларини, сочилган гуручларни кўрди. Қизчага миннатдорчилик билдиргандек сув юзида сакраб, гўшт бўлагини ютди. Ва тезда сув остига шўнғиди. У қўланса сувда яшаб қолишга уринарди.

Деярли ҳар куни қуёш ботиш олдидан ҳовуз четида қизча пайдо бўлар ва балиқча сув юзига чиқиши билан унга бирор егулик ташларди. Катта балиқ негадир деярли ҳар доим ҳовуз остида бўларди. Нафас олиш қийинлашгандагина сув юзига чиқар, оғзини катта очиб, оғир нафас олар, шу ҳолатда узоқ туриб қоларди. Балиқча ҳам бу ёқимсиз ҳидларга мослашишга, кўпроқ сув остида бўлишга ўзини мажбур қиларди. Бора-бора у сувнинг сассиқ ҳидини сезмайдиган бўлиб қолди, шундай кун кечиришга кўникди.

Бу вақтга келиб катта балиқ ҳам оғзини катта очиб, сув юзида чалқанча ётар, сузиб кетишга эса мажоли қолмаган эди.

Биргина шу балиқча ҳовузда кун кўришга мослаша бошлади. У яшашга каттиқроқ интиларди. Бу ерда унинг ширин кечган кунлари ҳам бўлди.

Зим-зиё тун эди. Кўкдаги ярим ой, бесаноқ юлдузлар чўкмайдиган маржонлар каби ҳовуз юзида қалқиб туришарди. Балиқча сув юзига чиққанда шундоққина ҳовуз ёнидаги сўрига иккита шарпа яқинлашди. Улардан бири ёшгина, сочи тепага таралган, тор шим ва енги калта кўйлак кийиб олган йигит эди. Қизнинг турли рангларда товланаётган ҳарир кўйлаги майин шамолда хилпирар, юлдуз каби чақнаб турган кўзларида қандайдир тотли ифода бор эди. У жуда латиф ва гўзал эди.

Йигит ва қиз сўрида узоқ ўтиришди. Уларнинг лаблари ниманидир пичирларди. Йўқ, улар гаплашмасалар ҳам гўё бир-бирлари билан сўзлашаётгандек эдилар, бир-бирларига қараб тўйишмасди.

Балиқча сувга шўнғиб чиққанда сўрида ҳеч ким йўқ эди.

Шундагина у ўзнинг танҳолигини сизди. Лекин у ёлғизликда ҳовуз сувининг сассиқлигига чидаши, ўзи билан ўзи курашиб яшаши керак.

Балиқча бу тун ҳам ҳовуз сатҳида сузиб юраркан, сўрилар томон бир неча шарпа келаётганини кўрди. Уларнинг иккитаси катта тугун кўтарган эди. Орқадагиси эса атрофига саросимали қараб-қараб қадам ташларди. Улар ҳовуз ёнидаги сўрига келиб ўтиришди. Башаралари жуда кўрқинчли эди. Катта тугун кўйволиб бу кишиларнинг ҳар қайсиси олдида яна биттадан учта тугунча пайдо бўлди.

Шунда ўтирганлардан бири чўнтагидан қоғозга ўроғлик бир нарса чиқарди. Ва улар бу юпқа, турли хилдаги қоғозларни узоқ санашди ва яна қайтадан санаб, уни ҳам бўлиб олишди.

Улардан бири норози бўлиб, ниманидир тушунтирар, лекин қолган иккитаси уни тинчлантирарди. Сўнгра у ҳам қўл силтади-ю, жимиб қолди.

Балиқча сув бетида уларга термулиб сузиб юрарди. Шунда ўтирганлардан бирининг кўзи балиқча тушди. Одамнинг кўзлари жуда кўрқинчли эди. Бу ваҳимали башара унга қўлидаги бўш шишани ирғитди. Балиқча чўчиб сув остига шўнғиди.

Шу воқеадан сўнг узоқ вақт тунлари бу сўриларга ҳеч ким келмади.

Ҳовуз суви секин-аста совий бошлади. Сув юзини дарахтлардан тўкилган сарғиш япроқлар қоплади. Лекин қизча ҳамон келиб турар ва балиқчани кўриши билан қувониб кетарди.

Балиқча тунда яна сув юзига чиқди. Шунда у яна гўзал манзараларнинг гувоҳи бўлди: ҳовуз олдидаги дарахтлардан бирига йигит ва қиз суяниб туришарди. Йигитнинг қадди-қомати келишган, қизнинг эса чақноқ кўзлари ўша-ўша ўтли боқарди.

Совуқ шамол эси-ю, сув юзида майда тўлқинчалар пайдо бўлди, ҳовуз четидаги дарахтлар ҳам шовуллай бошлади. Йигит эғнидаги костюмини ечиб, қизнинг елкасига ташлади. Кўп ўтмай қиз йигитнинг елкасига бошини қўйди. Йигит қизни бағрига босди.

Балиқча бир шўнғиб сув юзидан ғойиб бўлди.

Шу тариқа куз ҳам ўтиб қиш келди. Балиқча қишнинг совуқлигига ҳам бардош бериб баҳорни қаршилашга қурби етди. Кунлар исиб, ҳовуздаги музлар эриганда у яна сув юзида пайдо бўлди. Яна таниш қизчани учратди. Кунлар шу тариқа ўтаверди. Фақат ёз келиб, жазирама бошлангандагина унинг ҳаётида кескин ўзгариш юз берди...

Бу йилги ёз жуда иссиқ келди. Кундузи қуёш сувни қаттиқ қиздира бошлади. Балиқнинг нафас олиши тобора қийинлашаверди. У фақат тундагина бир оз ором оларди. Лекин эрта тонгдан яна қуёш ҳовузни қиздирар, туш вақтига келиб нафас олишнинг иложи қолмас эди. Сув худди қозондагидек исиб кетарди.

Балиқча оғизларини очиб, сув юзида қалқиб турарди. Атрофдаги сўриларда ҳар қачонгидек одамлар гавжум. Шунда уни кимдир кўриб қолиб ейилган олма қолдиғини отди. Қолдиқ унинг ёнига “шилп” этиб тушди-ю, балиқча чайқалиб кетди. Лекин ҳеч қачонга жилмади, чунки у энди сув остига шўнғий олмас, мажоли йўқ эди. Шу ҳолда балиқча унга бирор олма бўлагими, тарвуз пўчоғими ёки бошқа бирор нарса тегса кифоя, ҳалок бўлиши муқаррар эди. Унинг нафас олиши тобора қийинлаша бошлади.

Кўп ўтмай аллақандай куч ўзини қирғоқ томон сураётганини сизди. Бир оздан сўнг балиқчани қизчанинг қўллари кўтариб олди. Бу қўлларда балиқча ўзини хотиржам сезар, бармоқлар нозик ва ёқимли эди. Қизча шу кўйи нарида тўхтаб турган машинага ўтирди. Машина катта тезликда олға интилди.

Балиқча нам ҳавони сезиб ўзига келди. Қизча уни мусаффо сувли кўлга аста кўйиб юборди. Балиқча аввалига бир-икки сузгичларини тебратди, сўнгра эса мовий кўлда илдам сузиб кетди. Яйраб, тез-тез суза бошлади. Қизча унга қараб турарди.

Лекин балиқча узоқ сузолмади. Бу сув унга мазасиздек туюлди; ҳолбуки, кўлда ҳеч ниманинг сассиқ ҳиди ҳам, ачимтир мазаси ҳам йўқ эди. Ҳаво жуда енгил, мусаффо эди. Бироқ балиқча тиниқ ҳаводан нафас ололмасди. Ҳа, у бир вақтлар ўзи яшаган мана шу тиниқ кўл ҳавосидан нафас ололмай қолди. Чунки ҳовузнинг ифлос, сассиқ сувига кўникиб қолганди. Балиқча ҳолсизланиб қолди, қалқиб сув юзига чиқди. Шу пайт худди аввалгидек майин шаббода эси-ю, кўл юзида майда тўлқинчалар пайдо бўлди. Узоқларда эса қуёшнинг қизғиш гардиши ботиб борар, мовий тусдаги майда тўлқинчалар алвон рангда жилваланарди. Мана шу мовий ранглар ўртасида ҳаракатсиз балиқ оқариб кўринди.

Балиқчанинг бу тўлқинларда сузишга кучи етмади. Ҳолсизгина думини кимиради-ю, сузолмади. Лекин у ҳали яшамоқчи эди. Қуёш уфқ ортига ботгач, мовий кўл ва осмоннинг ранги бир хиллашиб, сўнгра қоронғулашиб кетди.

Қизча ҳамон ҳаяжон билан балиқчани кузатар, унинг кўлда думини шалоплатиб сузишини жуда-жуда истарди. Лекин унинг суза олмаётганини кўриб маъюсланиб қолди. Балиқча, қизча ва тун юзма-юз келди. Фақат балиқчагина ҳаракатсиз...

У шамол ҳосил қилган тўлқинларда қалқиб турарди. Энг сўнгги бор сузишга уриниб кўрди. Лекин бу сафар балқича думини ҳам, сузгичларини ҳам қимирлата олмади.

ДИНОЗАВРЛАР

Йирик япроқли баланд дарахтлар ва папаротниклар билан қопланган ўрмон ичидан сарғимтир-кўкиш тусдаги баҳайбат дарранда чиқди-ю, ўрмон ёнбағридаги сайхонликдан кела бошлади. У бир оз юриб атрофи ёғочлар билан тўсиб қўйилган экинзор томон бошини бурди, синчковлик билан назар ташлади. Хушбўй хид таратиб, егулик мевалар етилаётган экинзорнинг атрофи ёғоч ва шох-шаббалар билан тўсилган бўлиб, тўсиқ тагига ўтқир учли ёғочлар, қиррали харсангтошлар тартибсиз уйиб ташланганди.

Динозаврнинг синчков нигоҳи экинзорда ниманидир кавшаётган эчкига тушди. Эчки ҳам хавфни фаҳмлаб экинзорга кирган девор тешигидан жонҳолатда югуриб чиқиб, ўзини тош уюмлари панасига олди. Динозавр ўта хотиржамлик ва ўз кучига бўлган катта ишонч билан писиб ётган ўлжасига яқинлашди. Эчки хавфдан қутулиш учун жонҳолатда ўрмон томонга чопди. У динозаврнинг шундоққина ёнгинасидан югуриб бораркан, орқа томонига ўтаётганда дарранда гавдасига номуносиб чаққонлик билан қаддини ростлаб, бақувват думи билан эчкига қаттиқ зарба берди. Зарба шунчалик кучли эдики, эчки ёнига сурилиб бориб, тош уюмларига урилиб, типирчилаб қолди. Сўнг яна ўрнидан туриб, чўлоқланиб ўрмон томонга қоча бошлади. Бу сафар у аввалгидек югуролмасди. Динозавр иккинчи зарбада эчкини кулатди. Энди у тамомила ҳолсизланиб, оғир нафас оларди.

Динозавр оғирлигини аввал чап оёғига солиб, гавдасини хиёл чапга бурди, оғирлигини ўнг оёғига солиб, гавдасини чапга бурди. Шу тахлит шошилмай эчки томонга ўгирилди.

Оғир-оғир нафас олаётган эчкига оч ва қўрқинчли нигоҳини қадади, хиёл эгилиб хидлаб кўрди. Ўлжасини олдинги панжалари билан маҳкам сиқиб, оғзини очди. Унинг сўйлоқ катта-катта тишлари совуқ йилтиллади. Оғзини янада каттароқ очиб, бақувват тишлари билан унинг битта сонини узиб олди. Эчки жон талвасасида типирчилай бошлади. Динозавр бошини олдинга бир силтаб тишлари орасидаги сонни оғзига туширди ва ит товук суягини чайнагандек эчки сонини бақувват жағлари билан чайнай бошлади. Уч маротаба чайнашдаёқ, уни ютиб юборди. Гўшт мазасини туйиб, тамшаниб қўйди. Сўнг ўлжасини қаердан ейишни мўлжаллаб унга йирик-йирик сарғимтир кўзлари билан тикилди. Шу пайт ўзи томон келаётган баҳайбат гавдани кўрди, бу ҳам улкан динозавр эди.

У баҳайбат гавдасини ростлаб, сўйлоқ совуқ тишларини иржайтириб, йўғон овозда ириллаб, ўз ўлжасини баҳам кўриш нияти йўқлигини билдирди. Лекин бу динозаврнинг гавдаси бир оз кичикроқ эди. У оғзини очиб қонга беланган эчкига тикилганча, унинг ўлжаси томон келаверди, унинг кўзларига ердаги эчки гавдасидан бошқа ҳеч нима кўринмасди.

Шунда катта динозавр гавдасини у томонга ўгириб, тишларини иржайтириб, жангга тайёрлигини билдирди. Ёшроқ динозавр аввалига қаршисидаги гавдали рақибига бошдан-оёқ нигоҳ ташлаб, ҳужум қилишга ботинолмади. Лекин у оч эди. Очлик уни ҳужум қилишга мажбур қилди.

Гавдасини ростлаб, тишларини иржайтириб, рақибига ташланди. Кўп жангларни кўрган кексароқ динозавр бу ҳужумни гавдаси билан қайтариб, рақибининг бўйнига ёпишди, унинг тирноқлари ўткир наштардек рақибининг бўйнига ботди. Рақиб бири силтаниб панжалар исканжасидан озод бўлди, унинг бўйни тилиниб, қирмизи рангга кира бошлади.

Ёш динозавр иккинчи ҳамлада ғазабланиб жон-жаҳди билан яна рақибига ташланди. Лекин баҳайбат динозавр бу сафар ҳам усталик билан унинг гарданини тишлаб, бири бўлак гўштини узиб олди. Жароҳатланган танадан қон оқа бошлади. Қон ҳиди иккала динозаврни ҳам телбаларча ҳаракат қилишга чорлади.

Ёш динозавр ғазабкор кўзларини рақибига тикиб, зарба беришга шайланди. Бу сафар зарбага дош беролмаслигини сезган кекса динозавр ўзини орқага олди. У рақиб ҳужумидан чекиниб ёғоч девор олдидаги тош уюмлари олдига бориб қолганди. Рақиб унинг устига янада шиддаткор бостириб кела бошлади. Кекса динозавр бири оз орқага чекиниб, ўкириб юборди, унинг оёқларига қиррали тошлар найзадек ботаётган эди. У гавдасини тикка тутолмай, ёғоч девор устига йиқилди. Деворнинг қарсиллаган овози эшитилди. У тезда гавдасини ростлади. Оёғига ботган ўткир тошлар, гавдасига санчилган найзадек ўткир ёғочлар дарранда баданини оғритиб, уни ғазаблантириб юборди. Рақиб ҳам қиррали тошлар оёғига ботаётганига қарамай, унинг устига бостириб келарди. Улар ғазаб билан бири-бирларига ташланишди, лекин кекса динозавр зарбага дош беролмай орқага, ям-яшил кўк экинзорга кулади, рақиб унинг чап оёғини тишлаб қонатишга улгурганди.

Бу сафар кекса динозавр қийналиб қаддини ростлади, устига бостириб келаётган ғазабкор динозаврдан чўчиб орқага чекинди. Унинг баҳайбат оёқлари остида кўм-кўк экинзор эзилиб борарди. Бири оз ғазабдан тушиб, чарчаган динозаврлар экинзорни пайҳон қилиб, бири-бирларига ҳужум қилишга фурсат қидиришарди.

Яраланган икки динозавр энди эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишар, ҳужумдан кўра кўпроқ ҳимояланиш ҳақида кўпроқ ўйлашарди. Олиша-олиша экинзорни пайҳон қилиб, унинг чеккасидаги усти шох-шаббалар билан ёпилиб, атрофига тупроқ уйилган пастаккина кулба ёнига келиб қолишди.

Ёш, кўкрагидан қон оқиб турган динозаврнинг сабри тугаб, яна олдинга ташланди, рақиб бири оз орқага чекиниб, думини ҳаракатга келтириб, гавдасини тикка тутиб қола олди. Унинг думи кулбага урилиб, ёғоч ва шох-шаббалар билан ёпилган томини учириб юборди. Томсиз қолган кулба бурчагида гўдагини бағрига босган ёшгина аёл қичқилиб юборди. Бу овоздан гўдак ҳам чўчиб йиғлай бошлади. Аёл тобора бурчакка тикилиб борар, кулбадан чиқиб кетишга кўрқарди.

Динозаврлар жанги эса тўхтамасди. Уларнинг ёшроғи кўксидан қон оқиб турганини ҳам унутиб кутилмаган чакқонлик билан рақибининг бўйнига ёпишиб қаттиқ тишлади ва бир бўлак гўшт узиб олди. Шунда рақиб ҳолсизланиб кулба устига қулади. Ёғочнинг қарсиллаб синган овози эшитилди-ю, йиғлаб турган гўдакнинг овози тинди.

Қулаган динозавр оғир-оғир нафас оларда. Кўп қон йўқотгани учун ҳолсизланган ғолиб ҳам чўккалаб қолди, оғзидаги бир бўлак гўшти ҳам тушиб кетди. Борлиқни аянчли сукунат қоплади. Аммо бу сукунатни ўз кулбалари томонга югуриб келаётган ёввойи одамлар овози бузди. Улар бузилган кулба ёнига келиб чўзилиб ётган динозаврларга тош ота бошлашдилар. Икки дарранданинг ҳам туришга мадори йўқ эди.

Лекин иккала динозавр ҳам хавфни сезиб, сергакланди. Аввалига ёш динозавр иккита олдинги оёғига таяниб, бошини кўтарди, гавдаси оғирлигини орқа оёқларига ташлаб, қаддини ростлади. Рақиб оёққа турганини кўрган иккинчи динозавр ҳам зўр-базўр қаддини ростлади. Лекин улар бир-бирларига ташланишмади. Энди уларнинг иккаласи учун умумий рақиб – ёввойи одамлар пайдо бўлганди. Аввалига кекса динозавр пайҳон қилинган майдондан ўтиб, эчки танаси ётган жойга келди. Унинг иштаҳаси бўғилганди. Қип-қизил қонга бўялган бўйнини олдинга чўзганча аста юриб эчки ётган майдондан узоқлаша бошлади. Унинг ортидан чиқиб келган ёш динозавр ҳам эчки танаси олдига келиб тўхтади. Очликдан ҳам кўрқув устун келди, кўксидан қон оқиб кекса динозаврга қарама-қарши томонга кетди. Уларнинг орасида бир сони узиб олинган эчкининг гавдаси ётар, экинзор ортидан ёввойи одамларнинг қайғули қичқирган овозлари эшитиларди.

Кўп ўтмай қуёш ботиб, атрофга қоронғулик чўкди. Кўкда ой гардиши пайдо бўлди. У атрофни озгина бўлса-да, ёритишга қодир эди.

Ўрмоннинг бир бурчидан чиябўрининг увиллагани эшитилди. Сўнг унга жавобан бошқа бўрилар ҳам увиллади. Бир зумда улар эчки танаси олдида пайдо бўлишди. Бир-бирларига тишларини иржайтириб, очлик билан тортқилаб, эчкини нимта-нимта қилиб ея бошлашди.

Бахайбат дарахтлар билан қопланган ўрмондан эса динозаврлар, мамонтлар ва бошқа турли ҳайвонларнинг овозлари эшитилиб турарди.

КАККУЛАР

Ўрмон узра қаердадир сайраётган қушнинг овози янграй бошлади – “как-ку, как-ку”. Бу овоз тобора яқинлашиб келди ва қарағай шохига жажжигина қушча пайдо бўлди. У атрофни олазарак кузатар, нимадандир безовталанарди. Ниҳоят у қаршисидаги дарахт коваги остидаги шохга қўниб, ковак ичига назар ташлади ва шошиб пастга учиб тушди. Кўп ўтмай унинг оппоқ тухуми пайдо бўлди. У тухумни тумшуқлари орасига олиб, яна дарахт шохига қўнди-ю, уни астагина яна иккита қуш тухуми бўлган ковакка жойлади. Кейин “пир” этиб учди, кетди.

Шу тариқа какку ўрмон бўйлаб учиб юраверди. Ниҳоят унинг учун яна бир қулай имконият яратилди.

Баланд қарағай шохларидаги уйида жажжигина кушча ўз тухумларини босиб ётарди. Какку эса бу ерга қулай жойлашиб, уни бир зумга бўлса-да, ўз уясини тарк этишини кутарди. Лекин кушча жойидан силжимас, какку эса кутишдан чарчамасди. Ниҳоят узоқ кутишдан сўнг кушча “пир” этиб яқин орадаги дарахт шохига қўнди, сўнг егулик излаб чивинларни тутиб ея бошлади. Қушча яна бир оз уясидан узоқлашгач, какку ерга қўнди ва унинг остида бир дона тухум пайдо бўлди. У тезда тухумни тумшуғида тишлаб, ёш болаларнинг тўнтарилган телпагига ўхшаш уяга ташлади. Уячада яна тўртта тухум бор эди. Какку бу тухумларга бир нигоҳ ташлади-ю, вақт ғаниматида жуфтакни ростлади.

Бир оздан кейин учиб келган кушча уясидаги тухумларга назар солди, аммо тухумлари яна биттага кўпайганини сезмади. Улар устига чўкиб, баданининг ҳарорати билан тухумларни исита бошлади.

Бир неча кунлик “меҳнатдан” сўнг тухумлардан кушчалар чиқа бошлади. Тўртта полапон бир-бирига ўхшаш жажжигина, биттаси эса хиёл каттароқ бўлиб, бошқаларга ўхшамасди.

Эндиликда нар кушча ҳам, мода кушча ҳам тинмай болаларига егулик таший бошлашди. Аввалига полапонлар зўр-базўр ҳаракат қилиб, оғизларини зўрға очишган бўлса, бир неча кун ўтмасдан сарғиш тумшукчаларини кўкка чўзиб чиркиллаб, емиш талаб қилишарди.

Полапонлар ичида энг кўп шовқин соладиган, энг кўп емиш сўрайдигани ҳам катта, “суяги йўғонроқ” полапон эди. У емиш келди дегунча, биринчи бўлиб ташланар, ўз улушини еб, “укалари”га аталган улушни ҳам тортиб олиб кўярди.

Кунлар ўтиб полапонлар бир оз кучга тўлиб, емиш келганда шовқин солиб, талашиб-тортишиб ейдиган бўлиб қолишди. Лекин бу оилада фақат оиланинг энг каттасигина ўзини бежо тутта бошлади. У полапонларга аталган емишни ўзи тортқилаб олгани етмаганидек, ўзини янада бошқачароқ тутиб, кескин ҳаракатларга ўтди.

Мода кушча полапонларга емиш бериб эндиgina уясидан узоқлашиши биланок, катта полапон жажжи полапонлардан бирини туртқилаб-туртқилаб уя деворига суриб борди. Уни тумшуғи билан кўтариб елкасига миндирди, сўнг эса кучини йиғиб, бир силтанди-ю, уни уядан улоқтириб юборди. Чийиллаган овоз уядан узоқлашиб, кўп ўтмай тинди. Энди уяда ундан ташқари яна учта полапон қолди.

Эндиликда емиш тўрт полапонга бўлинар ва у бир оз кўпроқ улуш ейдиган бўлди. Лекин у янада кўпроқ ейишни истарди. Катта полапон қулай фурсат кутиб полапонлардан яна бирини уядан улоқтириб юборди.

Энди уячада учтаgina полапон қолди. Катта полапон энди кўпроқ емиш ер, лекин у иложи борица ўзгалар ҳиссасини ҳам тортиб олишга уринарди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Фақат ўзини ўйлаш, ўзгаларга нисбатан бешафқатларча муносабат уни тинч яшашга қўймади. У яна полапонлардан бирини уядан улоқтиришга уринди. Лекин бу сафар унинг вазифаси оғир эди. Зотан, анча йириклашиб қолган полапонни уядан улоқтириш осон эмасди.

Лекин у мақсадига етди. Энди уяда ундан бошқа яна биргина полапон қолди. Нар ва мода қушчалар эса худди ҳеч нима бўлмагандек уларни боқишарди.

Бир неча кун ўтмасданок, катта полапон яна ҳаракатга тушиб қолди. Йўқ, у олиб келинаётган емишни фақат ўзи ейди, ҳеч ким билан баҳам кўришни хоҳламайди. У ўзи қаердан бу ерга келиб қолганини ҳам унутди, уни ким емиш бериб катта қилаётганини ҳам билишни истамасди. Фақат угина бу уяда ҳукмрон бўлиши керак, барча емиш уники бўлади. Шунда у уядаги сўнгги полапон ёнига тикилди. Буниси аввалгилардан йирикрок бўлиб, анча улғайиб ҳам қолганди. Ниҳоят “тўнғич” уни тумшуғи билан суриб, елкасига жойлаштирди, лекин силтаб отиб юборишга кучи етмади. Бу вақт тумшуғида емиш билан нар қушча келиб қолди. У дарҳол елкасидаги юкни ташлаб, қушча келтирган ҳашаротларни юта бошлади. Бир оздан сўнг яна мақсадини амалга оширишга киришди. Бу сафар полапонни уя деворига суриб келди. Аммо уни елкасига миндирмай, ўзи юзтубан ётди, анча кучга тўлиб қолган панжалари билан полапонни уя деворига тираб, юқори кўтараверди, ўзи эса кўкраги ва қанотларига таянди. Чорасиз полапон уя деворига етай деб қолгач, тумшуғини уяга тираб иккала панжаси билан каттагина бўлиб қолган, нар ва мода қушчаларнинг сўнггиси бўлган полапонни ҳам уядан пастга тепиб юборди. Полапон чирқиллаганча пастга кулади. Энди уяда танҳо ўзи қолди. Нар ва мода қушлар эса фақат унигина боқишарди.

Кунлар ўтиб, кучга тўлиб, улғайиб қолганини сезди, қанотларини қоқиб кўрди. Қанотлари энди уни кўтариб, парвоз қилиши мумкин. У бир-икки бор қанот қоқиб уядан юқори кўтарилди ва жойига қўнди. Бир неча бор машқ қилганидан сўнггина бемалол уча олишига ишонди. Шунда бир сакраб телпаксимон уя деворига қўнди. Атрофдаги арча, қарағай, қайинлар билан қопланган яшил ўрмонга тикилди, сўнг ўзини улғайтирган уяга тезак ташлади-ю, қанот қоқиб учиб кетди.

Шу вақтда яқингина жойдан “ку-ку”, “ку-ку” деб қушча сайради. Бу эндигина сайрашни машқ қилаётган какку қушининг овози эди.

ИККИ БОШЛИ ИЛОН

Ҳайвонот боғига икки бошли илон олиб келишибди, деган хабар шаҳар бўйлаб тарқалиши билан бу ерга келувчилар ҳам кўпайиб кетди. Эрта тонгданоқ темир панжара олдига йиғилган одамлар ҳайвонот боғининг очилишини кутиб туришарди.

Улар билет олиб ичкарига киришар, ён томондаги қафаслардаги тоғ эчкилари, зебра, туяларга бепарво боқиб, қадамларини тезлатиб, илонлар сақланадиган бўлинмага югуришарди. Торгина эшикдан тикилишиб ичкарига кирмоқчи бўлишар, лекин бу ерни сим тутилган икки қаватли қафасларда сақланаётган илонларни кўриш учун кирганлар тўлдириб бўлганини кўриб, навбатга туришдан ўзга иложлари қолмасди. Орқадан ҳовлиқиб келганлар улар орқасидан тизилишар, ким кимдан кейинлигини аниқлашга киришиб, шовкин кўтаришарди.

Албатта олдинда турганлар бу тазйикқа дош беролмай тезда қайтиб чиқишганда: “Ростдан ҳам икки бошли илонни кўрдингми?” деган саволни беришар, кўрганлар тасдиқ маъносида бош силкишарди. Ўзларинг кўрганларинг яхши, мен гапириб ўтирмайман, дегандек, индамай ўтиб кетишарди. Ниҳоят навбатда турганлар ҳам қафас олдига етиб боришарди. Шунда улар икки қаватга бўлинган бўлманинг иккинчи қаватига жойлаштирилган икки бошли илонни кўришарди. Кўришарди-ю илон ҳақидаги дастлабки тасаввурлари чилпарчин бўларди. Зотан, улар икки бошли илонни жуда катта, эртақлардагидек уч бошли аждар қиёфасида тасаввур қилишган эди, лекин қаршиларида узунлиги нари борса ярим кулоч келадиган, кулчагина икки бошли илон ётарди. Ва ниҳоят улар илоннинг боши ҳақиқатан ҳам иккита эканлигига эътибор беришар, уни ҳайрат билан кузатишарди. Кўп ўтмай орқадагиларнинг тазйиқи билан улар ичкарига киришга уринаётган одамлар орасидан ўтиб, бир амаллаб ташқарига чиқиб олишарди. Саволга тутганларга ўзларидан олдингилар сингари ўзларингиз кўрганингиз яхши, дегандек индамай нари кетишарди.

Мазкур томоша фақат биргина одамни ҳайратга солмасди. Бу ҳайвонларга овқат берувчи, шу ҳайвонот боғи очилганидан бери ишлайдиган кекса отахон эди. У шу ёшга киргунча жуда кўп ҳайвонларни кўрди. Турлитуман жониворларни кўравериб, ҳар куни овқат беравериб, уларнинг хулқ-атворини ҳам ўрганиб олди. Илоннинг ҳам неча хилини кўрди, бу ҳам ўша илонлардан бири, фақат, икки бошли бўлиб туғилган.

Сўнгги кунларда отахон уйига жуда кеч қайтар, чунки илон қафаси ёнига бориб, емиш беришнинг иложи йўқ. Одамлар тарқалгандагина ичкарига киради. Илонларга сиқон ташлайди. Аввалига илонлар емишга эътиборсиз қарашарди. Кейинроқ эса янги жойга ўрганишди шекилли, сичқонга ташланадиган одат чиқаришди. Қафасга емиш ташланди дегунча, иккала бош бараварига ташланар, қай бири чакқонлик қилса, шуниси ўлжани юта бошларди. Илонлар ютган емиш барибир битта жиғилдонга тушарди-ю, лекин нега бу икки бош овқат талашаётганини отахон ҳеч тушуниб етолмасди.

Мана, ҳозир у яна илонлар ёнига сичқон ташлади. Ўлжа чап бошга яқинроқ тушди, у емишга ташланиб, ўлжани маҳкам тишлаб ямлай бошлади. Нариги бош ҳам ўлжага интилди, лекин чап бош ўз ўлжасини қўйиб юбормас, очлик билан ўлжани ютар эди. Шунда ўлжага етолмаган ёнидаги бош тишлаш учун ташланди, лекин бўйни қисқа бўлгани учун тишлолмади. Шунда унинг бўйни узайиб ёнидаги бошни ўткир тишларни билан тирнаб олганини чол аниқ кўрди. Худди шу ондан бошлаб илонлар чолда ҳам кизиқиш уйғотди. Бу ёғи нима бўларкин?

Эртасига ҳайвонот боғи очилмасдан анча олдин чол илонларга емиш ташлади. Иккала бош ҳам бараварига ташланди. Шунда чол илонларнинг бўйни тобора чўзилиб бораётганини сизди. Уларнинг бўйни кун сайин эмас, балки соат сайин ўсиб борарди. Иккала бош учун ҳам кучли жағлару узун бўйин зарур эди.

Яна одамлар тўдаси илонлар қафаси олдида тикилишиб, шовқин-сурон кўтаришарди. Ҳар куни чол белгиланган вақтда уларга емиш ташлаши биланок, икки бош ҳам шикастланарди.

Чол одати бўйича илонларга кечки овқат бергани келди ва уларга емиш ташлади. Нима учундир илонлар бу гал ўлжа талашиб, бир-бирларини тишлашмади, эҳтиёткорлик билан сичқон ёнига судралиб келиб, ўлжага ташланишди. Иккала бошнинг ҳам ўзини бундай тутиши чолни хайратга солди, иккала бош ҳам бир-бирларининг эътиборини тортмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиларди. Чол уларни бир оз кузатиб тургач, чиқиб кетди.

Уйига келгандан кейин ҳам илонлар унинг хаёлидан бир зум кетмади. Чол аввалига илонларни тинч ётган кўйи тасаввур қилди. Ана, улар эҳтиёткорлик билан чорасиз қолган сичқонни ютишмоқда. Бу манзара унинг кўз олдида кетмасди. Кечки овқатдан сўнг телевизор ҳам кўрмай ўрнига ётди, бир оздан сўнг ухлаб қолди. Кечаси билан алоқ-чалок тушлар кўрди. Эрталаб уйғонганида, нима туш кўрганини эслолмади.

Одатига кўра емиш олиб энг аввал илонлар қафаси олдида борди. Ичкарига қараб кўзларига ишонмади – илоннинг тишланиб, қонга беланиб кетган чап боши ўнг бошини маҳкам тишлаганча ҳаракатсиз ётарди. Чол диққат билан илоннинг кўзларига тикилди. Мунчоққа ўхшаш кўзларда ҳеч қандай ифода йўқ эди. “Нахотки, – ўйлади чол, – бўлиши мумкин эмас”. Лекин илоннинг нурсиз кўзлари чақчайганча қотиб қолганди. Чол илоннинг бошлари ҳаракатга келар деган умидда қафасга жажжигина сичқон ташлади. Лекин иккала бош ҳам қимирламади.

Бу хабарни ҳайвонот боғи бошлиқларига етказиш учун маъмурият биноси томон йўл олди. Чол бир неча қадам юрмасданок, икки бошли илонни кўриш учун илонлар қафаси томон югуриб келаётган бир тўда одамларни кўриб, туртиб юбормасликлари учун ўзини четга олди.

СЎНГГИ МАМОНТ

Кун иссиқлигидан қақроқ ер палахса-палахса бўлиб ёрилиб кетган, уфқларга чўзилган бу тақирликда бирор гиёҳ ҳам, тирик жон ҳам йўқ эди. Мана шу поёнсиз тақирлик уфқида бир нуқта кўриниб, аста-секин катталаша бошлади. Бу – катта-катта кўзлари ғамгин, камондек эгилган садафдек сўйлоқ тишлари найза каби ўткир, устини сарғимтир дағал жун қоплаган мамонт эди. У залворли, аммо шалвираган хартумини осилтирганча, харидек оғир оёқларини ҳаракатга келтириб бир маромда қадам ташларди.

Мамонт узоқ йўл юрганидан оёқларида дармон қолмаган, намланган, изтироб акс этган катта кўзлари олдинга тикилганча маъюс боқарди. Уларда акс этган дард қачон уни тарк этиб, бу кўзларда яна қачон умид учкунлари порлашини ҳеч ким, ҳеч қачон айтиб беролмасди.

Унинг оёқлари остида палахса-палахса ёрилиб кетган шўрхоқ ер, тепасида оташ уфурган куёш, ортидан узундан-узоқ масофа, олдинда эса босиб ўтиши лозим бўлган машаққатли йўл бор эди. Мамонт муттасил йўл

юрганидан маконни ҳам, замонни ҳам, ҳатто ўзининг мавжудлигини ҳам унутганди.

Қуёш кўтарилиб, кун тобора исий бошлади. Мамонтнинг бир қултум сув илинжидаги умидли нигоҳи тақирликларга сингиб йўқ бўлиб кетди. Борлик узра қанот ёзган бу қурғоқчилик даҳшати кўринмас қўллари билан бўғиб, нафас олишига тўсқинлик қилса-да, мамонт бир нарсани ички ҳиссиёт билан сезарди – олға юравериш керак, олдинда сув бор.

У бир оз юргач, бошини кўтариб, оёқларини олдинга узатганча қотиб қолган тошбақага дуч келди. Мамонт деярли гавдаси билан баробар тошбақа жасадини четлаб ўтди, орқасига қайрилиб қарамади.

Йўл давомида бундай тошбақалардан бир нечтасига дуч келди. Тақирликка айланган саҳрода ўлиб ётган динозаврлар, қашқирлар, кийикларни учратди. Аввалига булар уни кўркувга солди, кейин эътибор бермай қўйди. Зотан, тезроқ юрмаса, омон қолиш учун интилмаса, ўзи ҳам худди шу ҳолга тушиб қолиши мумкинлигини жуда яхши биларди.

Кун қанча қизимасин, ташналик қанча қийнамасин, мамонт буларни сезмагандек, унга ҳеч қандай куч даҳшат солмаётгандек бир маромда қадам ташлаб кетаверди...

Барчаси кутилмаганда бошланди. Одатда тонгда салқин, сўнг каттик исиб кетадиган кунлар эрталабданоқ қизий бошлади. Ўрмон четида ҳайқириб оқаётган дарёнинг суви аввалига камайди, бир неча кун ўтмасдан бутунлай куриб қолди. Ўрмонни турли жониворларнинг ташналикдан азоб чекиб ўқирган овозлари тутди. Уларнинг овозлари ваҳимали, айти чўғда аянчли эди. Айтиқса, тунда папаротниклар ва бошқа баҳайбат дарахтлар ўсган ўрмонни динозаврларнинг ваҳимали чинқириғи, мамонтларнинг даҳшатли ўқириши ларзага солар, қашқирлар эса чўзиб-чўзиб ваҳимали увиллашарди. Кўринмас ваҳшат барча тирик жон устига босиб келарди.

Жониворлар сув борлигини сезгандек бир томонга қараб юра бошлашди. Бу кўчишда, айтиқса, динозавр, мамонт ва бошқа йирик ҳайвонларга қийин эди. Улар базўр қадам ташлашар, улкан тошбақалар имиллаб одимлашар ва энг аввал, ҳолдан тойганлари саҳро бағрида бир бўлак харсангтош каби қотиб қолишарди.

Мамонт эса бир маромда қадам ташлаб бораверарди. Энди жазирагани, ҳаттоки ташналикни енгиш учун ўзида куч сезар ва янада тезроқ юришга ҳаракат қиларди. У бир нарсани аниқ сезарди, етиб бориши лозим бўлган манзилда сув бор. Бор кучини йиғиб сувгача борса бўлгани, тирик қолади.

Йўлга унинг бир ўзи чиқмаганди. Мамонтлар тўдаси йўлга тушди, энг олдинда кексайиб қолган йўлбошчи борар, унинг ортидан ёш боласи бўлган эркак ва урғочи мамонт оиласи, сўнг урғочи мамонтлар ва улар – у ҳамда жуфти, эркак мамонти борарди.

Бу узоқ йўлда биринчи бўлиб йиқилиб қолишни ҳеч ким истамасди. Кичик мамонтча ҳам оёқлари ҳолсизланиб бораётган бўлса ҳам олдинда ажойиб ям-яшил ўрмону мовий сувларни учратиш илинжида тўдадан орқада қолмай қадам ташларди. Шу тартибда олдинма-кейин юриб узоқ йўл

босишди. Аввалига йўлда учраган халқоб сувлар юзасидаги тиниқиб қолган бир неча қултум сувни ичиб, яна йўлда давом этишди. Сўнг эса егулик ҳам, сув ҳам учрамай қолди.

Улар билан олдинма-кейин қашқирлар, кийиклар, ҳозирги отларга ўхшаш ҳайвонлар тўдаси борарди. Қашқирлар кийикни кўрди дегунча уни тилка-пора қилиб ташласа ҳам, кийиклар қочишмас, чунки қашқирларнинг қувлашга мажоли қолмаганди. Зотан, босиб келаётган қурғоқчилик ваҳшати, ўлимнинг қора кўланкаси барча кўркувдан даҳшатли эди.

Энг аввал кичик мамонтнинг қадамлари секинлашди, сўнг юролмай жойида тик турганча қимирламай қолди. У оёқда узоқ туролмади, чуқур-чуқур нафас олиб сўнг қулади. Мамонтлар тирик, лекин энг сўнгги нафасларини олаётган кичик мамонт ёнида сукут сақлаб туришди. Кўтарилиб-пасайиб турган кўкракларининг ҳаракати тобора сўниб бориб, ниҳоят қимирламай қолди. Она мамонт хартумини кўкка кўтариб ўқирди. Бу овоз шундай аянчли эдики, улар билан ёнма-ён бораётган жониворлар ҳам сесканиб кетишди. Бу ўқириш ўз вазифасини бажаришга киришган ваҳшатни сезган она қалби нидоси, табиат ёвузликларига қарши норозилик, исён эди.

Лекин шошилиш зарур эди. Фақат сувга етиб боришгина уларни очлик ва ташналикдан қутқариб, ўз авлодларини сақлаб қолиши мумкинлигини сезган мамонтлар яна олдинма-кейин йўлга тушишди. Энди уларга сахрога чўккан тун, кўкда зич жойлашиб, маънос термулган юлдузлар ҳамроҳ эди. Кўкдаги улкан ой гардиши жуда паст, хартумни чўзса етгудек даражада паст кўринарди. Улар олдинма-кейин нажот соҳили томон интилишарди.

Худди шу тунда мамонтлар ҳаётидаги фожиалардан бири юз берди. Тўда кўлмакка дуч келди. Бу суви қуриётган кўл бўлиб, унинг остида қолган озгинагина сув ой нурида кумушсимон товланиб, мамонтларни ўзига тортарди. Кўл қирғоғи эса тик, пастга тушадиган қия йўл йўқ эди. Сув атрофида кийиклар ва бир неча тимсоҳ жасади қалашиб ётарди. Сув борлигини сезишлари билан эркак ва икки урғочи мамонт кўл томонга қадам босишди. Лекин шу тобда йўлбошчи мамонт огоҳлантириб қаттиқ қичқирди ва улар жойларида таққа тўхташди. Лекин ташналик азоби шунчалик зўр эдики, бир зумлик сукутдан сўнг яна кўл томон қадам босишди.

Энг аввал эркак мамонт сирғалиб пастга тушиб кетди. У оёқлари остидаги кийик жасадларини босиб сув олдиға етиб борди ва хартумини сувга тикиб, қониб-қониб сув ичди. Унинг яйраб сув ичаётганини кўриб тоқат қилолмаган урғочи мамонтлардан бири ҳам кўл қирғоғига келиб, қияликка эҳтиёткорлик билан оёқларини қўйди. Сўнг сирғалиб бориб тимсоҳ жасадлари олдида тўхталди, зўр-базўр қаддини кўтариб, сув томонга интилди. Оёғи остидаги жасадларни эътиборсиз босиб борди, ташналиги қонди.

Бу вақтда кўл қирғоғига келиб қолган яна бир мамонт пастга тушишга уринди, лекин сирғалиб пастга тушиб кетди. Оёқлари нимагадир урилди-ю, чаппасига айланиб, яна бир оз сирғалди-ю, қиялик тугаши билан сув яқинида ёнбошига ағдарилганча тўхтаб қолди. У бор кучини тўплаб қаддини

ростламоқчи бўлди-ю, турулмади. Фақат икки оёғига тиралиб, гавдасини бир оз кўтарди, шундоққина ёнидаги сув томонга қараб талпинди, бироқ жойидан қимирлолмади. Шунда ҳам сув ичиш илинжида хартумини сув томонга чўзди. Сўнг оёқларини узатганча ётиб қолди...

Ташналик кўл ёқасидаги йўлбошчи ва икки мамонтни ҳам сув ичишга ундарди. Аммо улар ўзларини тўхтатишди. Аввало кўл қирғоғидаги урғочи мамонт ўзини эҳтиётлаши, фақат олға интилиши лозим, зотан, мамонтлар авлодини у сақлаб қолади. Бу вазифа унга, ёлғиз унга юклатилган. Шу топда қорнидаги туғилажак жажжи мамонт қимирлаётганини ҳам сезгандек бўлди, кўкракларида жуда оз бўлса-да, сут йиғилмоқда. Демак, ҳалок бўлишга ҳаққи йўқ, боласини дунёга келтириши шарт.

Пастда эса сув ичган эркак мамонт тик қияликдан юқорига кўтарилишга уринди. Лекин қирғоқ тик бўлганидан яна пастга сирғалиб тушиб кетди. Яна бир мамонт ҳам шу ҳолда эди. Бу чуқурликдан чиқишнинг иложи йўқ бўлиб, улар бу жойда абадий қолишга маҳкум этилгандилар.

Эндиликда баҳайбат мамонт ортидан улар – у ва унинг жуфти борарди. Тўданинг бир неча мамонтни йўқотиши, айниқса, йўлбошчига қаттиқ таъсир қилди. Унинг кўзлари тубидаги ғам, ҳорғинлик оёқларига кўчди, қадамлари секинлашди. Кекса мамонт узоқ юролмади. Очлик, ташналик, мамонтлар тўдасидаги йўқотишлар уни тамомила ҳолсизлантирганди. Йўлбошчи ортик қадам босолмай, улкан қоя тошдек қолади.

Энди икки нафар мамонт қолди. Урғочиси жажжи мамонтни дунёга келтириш учун интилар, ёнидаги жуфти унга мадад бўлиб борарди. Бу туғилажак мамонт мамонтлар авлодини сақлаб қолади, у атрофи ям-яшил ўтлар билан қопланган, сувлари зилол салқин кўл бўйида яшайди. Бу мамонт ёлғиз бўлмайди, унинг атрофида ўзи каби йўлдошлари бўлади ва у тўда йўлбошчисига айланади. Ота-онаси яшамаган умрни у яшайди. Лекин бунинг учун узундан-узон, машаққатли йўлни босиб ўтишлари керак. Лекин очлик, сувсизлик, жазирама иссиқ ўз кучини тобора кўпроқ кўрсатарди.

Жуфти орқада қолаётганини сезиб, урғочи мамонтни ваҳима боса бошлади. Қачонлардир содир бўлиши лозим бўлган ҳодисанинг вақт-соати келганди. Лекин фожианинг бунчалар тез амалга ошиши уни янада ташвишлантирди. Бир неча қадамдан сўнг жуфти гурсиллаб қолади. Урғочи мамонт хартумини юлдузларга чўзиб шундай қаттиқ ўқирдики, кўкдаги юлдузлар титраб кетгандек бўлди. Бу – борлиқ ичра ёлғиз, мамонтлар авлодининг энг сўнгги вакили бўлиб қолган сўнгги мамонтнинг ўқириши эди.

У жуфтига ўгирилиб қарамади, бошқа ўқирмади ҳам. Зотан, энг сўнгги мамонт омон қолиш, мамонтлар авлодини сақлаш учун бирор дақиқа бўлсаям вақтни бой бермай, олға юриши лозим эди.

У бир маромда қадам ташлаб бораркан, тақирлик қаердадир ва қачондир тугаши кераклигини биларди; лекин қаерда, қачон, билмайди. Қачон мавжланган денгизга, унинг қирғоқларида ўсган кўм-кўк майсаларга етиб

боради, қачон қониб-қониб сув ичади, ўт ейди? Сўнг кучини йўқотишдан чўчимай, юракдан беармон узоқ-узоқ мунгли ўкиради?

Шу ўйлар билан бораркан, авжи туш вақти кўз олдида мавжланаётган кўл пайдо бўлди. Катта-катта баргли улкан дарахтлар кўкка бўй чўзган соҳилни тизза бўйи майса-ўтлар қоплаган бўлиб, мамонтлар тўдаси ўтлаб юарди. У ҳатто тиниқ кўлдан қониб-қониб сув ичаётган мамонтларни ҳам аниқ кўрди, юзига салқин ҳаво урилгандек бўлди. У худди шу томонга кетяпти, тезда кўлга етиб борарди. Худди шу кўл соҳилида унинг жажжи мамонти дунёга келади ва шу ердаги мамонтлар тўдаси билан бирга улғаяди.

Лекин... бир неча дақиқа ўтмасданоқ унинг кўз олдидаги денгиз йўқолди – бу сароб эди.

Қуёш яна уфқлар ортига ботиб, саҳрони зулмат қоплади, қоронғулик бағрига юлдузлар ва тўлин ой ғамгин шуъла соча бошлади. Тундаги салқинлик уни бир оз тетиклаштирди. Гарчи тезроқ юришга ҳаракат қилса ҳам, бунга мажоли етмай, ўзи кўникиб қолган маромда қадам ташлаб бораверди. У тобора ҳолдан тояётган эди, аммо авлодини сақлаб қолишга бўлган интилиши уни тўхтамай йўл босишга мажбур қиларди. Оёқлари ўзига бўйсунмай қадам ташлаб бораркан, шу юришда бир оз ухлаб олишга ҳам ўрганди.

Қанчалик ҳолсизланмасин, ҳомиласи бир оз катталашиб, елинидаги сути ҳам кўпаяётгандек туюлди унга. Ҳатто қорнидаги жажжи мамонтнинг қимирлаётганини ҳам сеза бошлади.

Атроф ёриша бошлаган тонг маҳали бир маромда юриб бораётган урғочи мамонт аста-секин кичрайиб борди-ю, уфқлар бағрида тамомила кўздан йўқолди. Унинг олдида босиб ўтилиши лозим бўлган узундан-узоқ, машаққатли йўл бор эди.

МУНДАРИЖА

Архарлар йўлбошчиси
Мовий кўл тўлқинларида
Динозаврлар
Каккулар
Икки бошли илон
Сўнгги мамонт